

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ФАРГОНА
ВИЛОЯТИ ФАРГОНА ШАХРИ
МАСъУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ
«HIMOYA FAIR»
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ФЕРГАНСКАЯ ОБЛАСТЬ ГОРОД
ФЕРГАНА В ФОРМЕ
ОБЩЕСТВА ОРГАНИЧЕННОЙ
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ
«HIMOYA FAIR»
АУДИТОРСКАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ

*O'zbekiston Respublikasi, Farg'ona viloyati, Farg'ona shahri, B.Marg'iloniy ko'chasi, 70-uy 18-xonadon, X/r:
20208000705410835001, INN: 308636111, MFO: 01131, Universal bank Farg'ona filiali, Telefon: +99893-244-55-58,
+99893-980-5575.*

МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«FARG'ONA DORI-DARMON» акциядорлик жамияти раҳбарияти ва бошқарувига.
Манзил: Фарғона шаҳар, Ал-Фарғоний кӯчаси,
50-уй.

Молиявий ҳисобот аудит натижалари бўйича хулоса

Фикр;

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар «FARG'ONA DORI-DARMON» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, унинг 2021 йилдаги молиявий натижаларини ва пул оқимларини қонунчиликка мувофиқ, барча муҳим жиҳатлари бўйича хаққоний акс этади.

Биз, «FARG'ONA DORI-DARMON» акциядорлик жамиятининг Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига мувофиқ 2021 йил 31 декабрь ҳолатига тузилган бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капитал тўғрисида ҳисобот, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Фикр билдириш учун асослар;

Биз аудитни Аудитнинг Ҳалқаро Стандартларига мувофиқ ўтказдик.(МСА). Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузуб қўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Фикримизча, биз томонимиздан аудиторлик текшириши учун олинган аудиторлик далиллари фикримиз учун асос бўлиши учун етарли ва мос келади.

Аудитнинг муҳим масалалари;

Аудитнинг муҳим масалалари- ушбу масалалар, бизнинг профессионал мулоҳазамиздан келиб чиқсан ҳолда жорий давр учун молиявий ҳисоботни текшириш учун энг муҳим бўлган масалалардир. Ушбу масалалар молиявий ҳисобот аудитида кўриб чиқилган ва биз ушбу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирамаймиз.

Бошқа маълумотлар;

Бошқа маълумотлар учун раҳбарият жавобгардир. Бизнинг молиявий ҳисоботлар хақидаги фикримиз бошқа маълумотларга тааллукли эмас ва биз ушбу маълумотлар бўйича ҳеч қандай ишончли хулосасини билдирамаймиз.

Молиявий ҳисобот аудитимиз билан боғлиқ ҳолда, бизнинг жавобгарлигимиз бошқа маълумотларни билан танишиш ва шу билан бирга, бошқа маълумотлар ва молиявий ҳисоботлар ўртасида жиддий номутоносибликлар бор-йўқлиги аудит давомида олинган

билимларимиз ёки бошка маълумотларни кўриб чиқишидир. Агар биз бажарган ишларга асосланиб бундай бошка маълумотлар жиддий нотўғри маълумотларни ўз ичига олади деган хулоса келсак биз бу фирмкни хабар қилишимиз керак.

Бизнинг хулосамизда акс эттириш лозим бўлган ҳолатни аниқламадик.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ёки бошқарув жавобгарлиги;

«FARG'ONA DORI-DARMON» акциядорлик жамияти мазкур молиявий ҳисоботни қонунчиликка мувофиқ тайёрлаш, шунингдек корхона раҳбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан ҳоли молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги;

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик хулосасида акс эттириш. Аудитнинг ҳалқаро стандартларига мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга кафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Аудит молиявий ҳисоботдаги суммалар ва ошкораликларга оид аудиторлик далилларини олиш учун аудиторлик процедураларини бажаришни ўз ичига олади. Аудиторлик процедураларини танлаш бизнинг фикримизга боғлик бўлиб, у фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий нотўғри кўрсатилиши хавфни баҳолашга асосланади. Ушбу хавфни баҳолаш жараёнида биз топшириқ учун тегишли аудит процедураларини танлаш учун ишончли молиявий ҳисоботларни тайёрлашни таъминлайдиган ички назорат тизимини кўриб чиқдик. Аудит, шунингдек, қўлланилган ҳисоб сиёсатининг мақсадга мувофиқлигини ва текширилаётган корхона раҳбарияти томонидан олинган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек, умуман молиявий ҳисобот тақдимотини баҳолашни ўз ичига олади.

Биз, шунингдек, корпаратив бошқарув учун масъул шахслар аудитнинг мустақиллигига тегишли барча ахлоқий талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

**МЧЖ «NIMOYA-FAIR»
Аудиторлик ташкилти раҳбари**

(Аудитор малака сертификати
14.10.2021 йилда №05754)



Ш.Хатамов

Манзили: Фарғона шаҳар
Б.Марғilonий кўчаси 70/18
10.04.2020 йил.

Солиқ маслаҳатчиси Б.Нишинов
09 марта 2022 года

Хулоса раками 10\04